

Истеъдодли адиб Мурод Мухаммад Дўст 1948 йили Самарқанднинг Жом кишлогига тугилди. У Тошкент Давлат дорилфундузи тугатгач, Москвада Адабиёт институтида тахсид кўрди. Сўнгра «Ўзбекфилм» киностудиясида, «Шарк юлдузи» ойномасида фаолият кўрсатди. Унинг ижоди 70-йиллардан бошланган бўлиб, дастлаб хикоялар ёзишдан иш бошлади.

Ёзувчининг дастлабки хикоялар тўплами 1976 йили «Кайдасан, кувонч садоси» номи билан нашр этилди. Сўнгра унинг «Мустафо», «Истеъфо», «Дашту далаларда», «Галатея киссалари», «Чоллардан бири», «Бир тойчокнинг куни» каби хикоя, киссалари чоп этилди. 1983 йилга келиб, унинг «Галатеяга кайтиш» номли романи яратилди. Шундан сўнг у тургунлик даври маънавий, иқтисодий ва сиёсий таназзулидан хикоя килувчи «Полазор» (1988) романини яратди. Бу роман 1990 йилда Хамза мукофотида лойик топилди. У хозирги кунда Ўзбекистон Републикаси Президенти матбуот маркази рахбаридир.